

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЛАТИПОВ ИХТИЁР ИКРОМОВИЧ**

**ВИТИЛИГО БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА  
УЛЬТРАБИНАФША ЭКСИМЕР ЛАЗЕР ФОТОТЕРАПИЯСИНИНГ  
КЛИНИК ВА ИММУНОЛОГИК АСОСЛАНИШИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**14.00.11 - Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Латипов Ихтиёр Икромович**

Витилиго билан касалланган беморларда  
ультрабинафша эксимер лазер фототерапиясининг  
клиник ва иммунологик асосланиши ..... 3

**Латипов Ихтиёр Икромович**

Клиническое и иммунологическое обоснование  
фототерапии ультрафиолетовым эксимерным  
лазерным облучением больных витилиго..... 27

**Latipov Ixtiyor Ikromovich**

Clinical and immunological substantiation of  
phototherapy with ultraviolet excimer laser  
radiation in patients with vitiligo..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 58

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЛАТИПОВ ИХТИЁР ИКРОМОВИЧ**

**ВИТИЛИГО БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА  
УЛЬТРАБИНАФША ЭКСИМЕР ЛАЗЕР ФОТОТЕРАПИЯСИНИНГ  
КЛИНИК ВА ИММУНОЛОГИК АСОСЛАНИШИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология  
14.00.11 - Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2022.3.PhD/Tib 3086. рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институти бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.immuno.uz](http://www.immuno.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбарлар:</b>	<b>Абдурахманов Мамур Мустафаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Азизов Баҳадир Садикович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Исмаилова Гули Аминджановна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Хайтов Қаҳрамон Нажмитдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази</b>

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти хузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: [immunology@immuno.uz](mailto:immunology@immuno.uz)).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.)

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У. Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Х.М. Хатамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**А.А. Исмаилова**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда витилиго - келиб чиқиши аниқ бўлмаган терининг орттирилган касаллиги ва тери қопламасининг маълум соҳаларида меланоцитларнинг парчаланиши ҳисобига пигментациянинг йўқолиши билан кечадиган касаллик деб тавсифланмоқда. Мутахассислар маълумотига кўра, «...бутун дунёда витилиго билан касалланган беморлар сони умумий аҳолининг 0,8-2,8% ни ташкил қилмоқда»<sup>1</sup>. Витилигонинг этиологияси ва патогенези ҳанузгача тўлиқ ўз исботини топмаган. Касаллик келиб чиқиши кўп омилли бўлиб, экзоген ва эндоген омиллар витилигонинг ривожланишида муҳим рол ўйнамоқда. Касаллик ривожланишининг энг асосли назариялари сифатида биокимёвий бузилишлар (оксидланиш стресси), аутоиммун ҳамда нейроген назариялар келтирилмоқда. Витилиго касаллиги патогенезнинг мураккаблиги, ижтимоий оқибатлари, ушбу ҳолатларни эрта клиник-иммунологик ташҳислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга татбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида тери-таносил касалликларини эрта босқичда ташҳислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада витилиго билан касалланган беморларнинг депигмент ўчоқларида иммунитетнинг ўсиш омиллари (GM-CSF, bFGF, SCF) миқдорларини аниқлаш, беморларда иммун тизим цитокинлари фаолиятини аниқлаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида ирсий мойилликни аниқлаш, витилиго билан касалланганларда иммунокоррегирловчи даволаш самарадорлигини баҳолашга бағишланган изланишлар илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда, витилигони эрта ташҳислаш усулларини такомиллаштириш, даволаш, профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида тери-таносил касалликларни эрта ташҳислаш ва комплекс даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, витилиго билан

<sup>1</sup> Al-smadi K. et al. Vitiligo: a review of aetiology, pathogenesis, treatment, and psychosocial impact //Cosmetics. – 2023. – Т. 10. – №. 3. – С. 84.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

касаланган беморларда иммун тизим фаолиятини ҳар томонлама аниқлаш ва даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра (Ахмедов К.Р., 2012), аутоиммун назария вителиго ривожланишидаги энг асосий этиопатогенетик ролни ўйнайди. Сўнгги пайтларда вителиго билан касаланган беморлар қон зардобиди ва оқарган терисида Т-хужайралари сонининг кўпайиши ҳақида маълумотларнинг юзага келиши ҳам вителигонинг пайдо бўлишида иммунологик механизмларнинг муҳимлигини кўрсатади. I.Lin ва бошқалар (2013) вителиго билан касаланган беморларда Т-лимфоцитларнинг субпопуляцияларини соғлом гуруҳдаги ўхшаш кўрсаткичлар билан солиштириб ўрганишганида Т-хелпер хужайралар (CD4+) концентрациясининг сезиларли даражада пасайишини ва етук Т-хужайралар (CD3+CD19) ва табиий киллер (CD16+ CD56+) хужайраларининг кўпайишини аниқладилар. Шунингдек, улар Т-хелперлар/Т-индукторлар (CD3+CD4+) ва Т-супрессорлар/Т-цитотоксиклар (CD3+CD8+) ўзаро нисбатининг пасайишини қайд этдилар. Вителигонинг икки клиник шаклини солиштирганда, НСВ билан касаланган беморларда Т-иммун тизимидаги етишмовчилик Т-супрессор фаоллигининг пасайиши негизида аниқроқ намоён бўлиши аниқланди, бу эса иммунитет тизимининг фаолиятида чуқурроқ ва кучлироқ бузилишларни кўрсатади (Hann S.K., et al., 2019). Шунингдек R. Halder ва бошқалар (2016), N.Mozzanica (2010) томонидан олиб борилган тадқиқотларда шунга ўхшаш натижалар олинган. Иммунитет реакциясининг ноадекватлигини кўрсатадиган иммунорегуляцион индексни баҳолаш, вителиго билан касаланган беморларда сезиларли пасайишни кўрсатди (Gunduz K., et al., 2014).

Иммунологик реакциялар ва аутоиммун касалликлар депигментация ўчоқларининг пайдо бўлишига олиб келади, бу меланоцитларга ҳам, ўз ичида меланин сақловчи тузилмаларга ҳам аутоантитаначалар ишлаб чиқаришга ёрдам беради (Naug M., et al., 2015). Т-лимфоцитларнинг умумий сониди ва уларнинг субпопуляцияларидаги ўзгаришлар аниқланган (Li Y.L., et al., 2016), бу эса цитокинларни ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Витилиго билан касалланган беморларда иммунитет реакциясининг хусусиятлари витилиго жараёнининг бориши, босқичи ва фаолиятига қараб тизимлаштирилган, аммо турли хил клиник шакллардаги иммунологик ўзгаришларнинг аҳамияти ҳақида умумий нуқтаи назар ҳали ишлаб чиқилмаган ва касаллик учун дифференциал даволаш схемалари мавжуд эмас.

Бундан ташқари, витилиго патогенезида Т-аутореактив лимфоцитлар маълум рол ўйнаши ҳақидаги ишлар (Kemp E.H., et al., 2011, Le Poole I.C., et al., 2014. Mahmoud F., et al., 2012) ҳам нашр этилган. Шундай қилиб, F. Mahmoud ва ҳаммуал. (2012) витилиго билан касалланган беморларнинг периферик қон зардобиди Т-лимфоцитлар умумий сонининг камайишини аниқлаган бўлсаларда, айти шу пайтда улар хотира хужайралари сонининг кўпайишини ҳам тасдиқладилар. CD25 сиртидаги антигенларнинг кўпайиши ҳам тасдиқланган ва бу Т-лимфоцитларнинг антиген воситачилигида фаоллашувини кўрсатади.

Шундай қилиб, витилиго ривожланишининг иммунопатологик компонентлари ҳақидаги мавжуд маълумотлар етарли эмас. Депигментация юзага келиш механизми маълум бир йўсинда ривожланадиган ва бир-бирига бўйсунадиган тизимлар томонидан таъминланади, бу ерда иммунитет тизими муҳим рол ўйнайди. Ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар ушбу касалликни даволашда оқилона дифференциаллашган ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам бериши мумкин. Шу муносабат билан, витилиго билан касалланган беморларда иммунологик бузилишларнинг прогностик маълумотларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Касалликнинг ривожланиб тана бўйлаб тарқалишини чеклаш учун комплекс даво орқали иммунитет бузилишининг олдини олиш алгоритмининг ва унинг оптимал ечимини ишлаб чиқиш ушбу гуруҳдаги беморларда даво натижаларини сезиларли даражада яхшилайдди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №05.2022 PhD 143-сонли «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** витилиго билан касалланган беморларда ультрабинафша эксимер лазер фототерапияси самарадорлигини клиник ва иммунологик асослашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

беморларда витилиго кечишининг иммун тизими ҳолати билан боғлиқлигини аниқлаш;

витилиго билан касалланган беморларда тўлқин узунликлари 311 нм УББ терапия ва 308 нм эксимер лазер ёрдамида комбинирланган фототерапияни хавфсизлиги ва клиник-иммунологик самарадорлигини баҳолаш;

витилиго билан касалланган беморларда тўлқин узунликлари 311 нм УББ терапия ва 308 нм эксимер лазер ёрдамида комбинирланган фототерапия ва модификациялашган иммунокоррегирловчи комплекс доволашда цитокинлар ҳолатини динамикада аниқлаш;

комплекс даво ва комбинирланган фототерапия жараёнида дерматологик ҳаёт сифати индекси (DLQI) сўровномаси ёрдамида витилигонинг беморлар ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2023 йилларда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиалида даволанган 18 ёшдан 75 ёшгача витилигонинг турли шакллари билан касалланган 118 нафар беморлар ва 20 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида витилиго билан касалланган беморлар вена қони ва қон зардоби иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, функционал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

илк бор витилиго билан касалланган беморларда яллиғланишга хос (IL-2, IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ ) цитокинлар миқдорлари ортиши фонида яллиғланишга қарши IL-10 цитокин миқдорининг кескин камайиши сабабли цитокинларнинг дисбаланси юзага келиши, витилиго кечишининг оғирлашувига бевосита таъсир қилиши исботланган;

илк бор витилиго билан касалланганлар беморларда комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегирловчи комплекс даволашни қўллаш сабабли организмда яллиғланишга хос (IL-2, IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ ) цитокинлар миқдорининг кескин камайиши ва яллиғланишга қарши цитокин (IL-10) миқдорининг ишонарли ортиши ва клиник ҳолатни ижобий томонга ўзгаришига олиб келиши исботланган;

илк бор витилиго билан касалланганларда комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегирловчи комплекс даволашни қўллаш сабабли тўлиқ клиник самарадорлик - иккиламчи меланомалар, терининг чуқур куйишлари пайдо бўлмаслиги ҳамда репигментация жараёнининг кучайишига олиб келиши исботланган;

илк бор витилиго билан касалланганларда комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегирловчи комплекс муолажаларидан бир йил ўтгач касалликнинг клиник кўринишлари регрессияси сабабли дерматологик DLQI индекси кўрсаткичларининг ишонарли пасайиши ва беморлар ҳаёт сифатини ижобий яхшиланишига олиб келиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаларига** қуйидагилар киради:

вителиго билан касалланган беморларда иммунитет цитокинлари (TNF- $\alpha$  IL-2, IL-6, IL-8, IL-10) кўрсаткичлари миқдори ўзгаришларини аниқлаш асосланган;

вителиго билан касалланган беморларда тўлқин узунликлари 311 нм УББ терапия ва 308 нм эксимер лазер ёрдамида комбинирланган фототерапия усулини қўллаш таклиф қилинган;

вителиго билан касалланган беморларда комплекс даво ва комбинирланган фототерапия усули ишлаб чиқилган;

вителиго билан касалланган беморларда комплекс даво ва комбинирланган фототерапия жараёнида дерматологик ҳаёт сифати индекси (DLQI) сўровномасини қўллаш асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, функционал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти вителиго билан касалланган беморларда ультрабинафша эксимер лазер фототерапияси самарадорлигини клиник ва иммунологик асослаш бўйича вителиго билан касалланган беморларда яллиғланишга хос (IL-2, IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ ) цитокинлар миқдорлари ортиши фонида яллиғланишга қарши IL-10 цитокин миқдорининг кескин камайиши, комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегирловчи комплекс даволашни қўллаш сабабли организмда яллиғланишга хос (IL-2, IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ ) цитокинлар миқдорининг кескин камайиши ва яллиғланишга қарши цитокин (IL-10) миқдорининг ишонарли ортиши, иккиламчи меланомалар, терининг чуқур куйишлари пайдо бўлмаслиги ҳамда репигментация жараёнининг кучайишига олиб келиши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вителиго билан касалланган беморларда иммунитет цитокинлари (TNF- $\alpha$  IL-2, IL-6, IL-8, IL-10) кўрсаткичлари миқдори ўзгаришларини аниқлаш асосланганлиги, тўлқин узунликлари 311 нм УББ терапия ва 308 нм эксимер лазер ёрдамида комбинирланган фототерапия усулини қўллаш таклиф қилинганлиги, комплекс даво ва комбинирланган фототерапия усули ишлаб чиқилганлиги ва комплекс даво ва комбинирланган фототерапия жараёнида дерматологик ҳаёт сифати индекси (DLQI) сўровномасини қўллаш асосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Вителиго билан касалланган беморларда ультрабинафша эксимер лазер фототерапияси самарадорлигини клиник ва иммунологик асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилиги:* илк бор витилиго билан касалланган беморларда яллиғланишга хос (IL-2, IL-6, IL-8, TNF-α) цитокинлар миқдорлари ортиши фонида яллиғланишга қарши IL-10 цитокин миқдорининг кескин камайиши сабабли цитокинларнинг дисбаланси юзага келиши, витилиго кечишининг оғирлашувига бевосита таъсир қилиши исботланганлиги бўйича «Витилиго билан касалланган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари» ва «Витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс давони қўллаш» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 6 июлдаги 23-м/072-сонли ва 8 июлдаги 23-м/073-сонли хулосалари) ва тасдиқланган. Мазкур таклиф Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №24-сонли, Пешку туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №2936-2-39-ТВ/2023-сонли, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №837-2-33-ТВ/2023-сонли, Олот туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 07.09.2023 йилдаги №3046-2-31-ТВ/2023-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали бўйича 29.06.2024 йилдаги №37-Т-сонли ва №38-Т-сонли ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят ҳудудий филиали бўйича 29.06.2024 йилдаги №27-1-сонли ва №28-1-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-июлдаги №4-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс давони қўллаш ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, касаллик рецидивларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, Пешку туман тиббиёт бирлашмаси, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси, Олот туман тиббиёт бирлашмаси, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят ҳудудий филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши витилиго билан касалланган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари ва витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс давони қўллаш орқали умумий иқтисодий самарадорлик 1872000 сўмни ташкил этиши асосланган. *Хулоса:* витилиго билан касалланган беморларда яллиғланишга хос (IL-2, IL-6, IL-8, TNF-α) ва қарши IL-10 цитокин миқдорини аниқлаш орқали витилиго кечишини прогнозлаш мумкинлиги асосланган.

*иккинчи илмий янгилиги:* илк бор витилиго билан касалланганлар беморларда комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегрловчи комплекс даволашни қўллаш сабабли организмда яллиғланишга хос (IL-2, IL-6, IL-8, TNF-α) цитокинлар миқдорининг кескин камайиши ва яллиғланишга қарши цитокин (IL-10) миқдорининг ишонарли ортиши ва клиник ҳолатни ижобий томонга ўзгаришига олиб келиши исботланганлиги бўйича «Витилиго билан касалланган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари» ва «Витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокоррегртив комплекс даवони қўллаш» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 6 июлдаги 23-м/072-сонли ва 8 июлдаги 23-м/073-сонли хулосалари) ва тасдиқланган. Мазкур таклиф Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №24-сонли, Пешку туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №2936-2-39-ТВ/2023-сонли, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №837-2-33-ТВ/2023-сонли, Олот туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 07.09.2023 йилдаги №3046-2-31-ТВ/2023-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали бўйича 29.06.2024 йилдаги №37-Т-сонли ва №38-Т-сонли ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят ҳудудий филиали бўйича 29.06.2024 йилдаги №27-1-сонли ва №28-1-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-июлдаги №4-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокоррегртив комплекс давони қўллаш ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, касаллик рецидивларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, Пешку туман тиббиёт бирлашмаси, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси, Олот туман тиббиёт бирлашмаси, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят ҳудудий филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши витилиго билан касалланган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари ва витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокоррегртив комплекс давони қўллаш орқали умумий иқтисодий самарадорлик 1872000 сўмни ташкил этиши асосланган. *Хулоса:* витилиго билан касалланганлар беморларда комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегрловчи комплекс даволашни қўллаш яллиғланишга хос (IL-2, IL-6, IL-8, TNF-α) ва қарши цитокин (IL-10) миқдорларидаги ўзгаришларни аниқлаш асосланган.

*учинчи илмий янгиллиги:* илк бор витилиго билан касалланганларда комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегирловчи комплекс даволашни қўллаш сабабли тўлиқ клиник самарадорлик - иккиламчи меланомалар, терининг чуқур қуйишлари пайдо бўлмаслиги ҳамда репигментация жараёнининг кучайишига олиб келиши исботланганлиги бўйича «Витилиго билан касалланган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари» ва «Витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс давони қўллаш» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 6 июлдаги 23-т/072-сонли ва 8 июлдаги 23-т/073-сонли хулосалари) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №24-сонли, Пешку туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №2936-2-39-ТВ/2023-сонли, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №837-2-33-ТВ/2023-сонли, Олот туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 07.09.2023 йилдаги №3046-2-31-ТВ/2023-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали бўйича 29.06.2024 йилдаги №37-Т-сонли ва №38-Т-сонли ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят ҳудудий филиали бўйича 29.06.2024 йилдаги №27-1-сонли ва №28-1-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-июлдаги №4-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс давони қўллаш ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, касаллик рецидивларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, Пешку туман тиббиёт бирлашмаси, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси, Олот туман тиббиёт бирлашмаси, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят ҳудудий филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши витилиго билан касалланган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари ва витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс давони қўллаш орқали умумий иқтисодий самарадорлик 1872000 сўмни ташкил этиши асосланган. *Хулоса:* витилиго билан касалланганларда комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегирловчи комплекс даволашни қўллаш тўлиқ клиник самарадорликка олиб келиши исботланган.

*тўртинчи илмий янгиллиги:* илк бор витилиго билан касалланганларда комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегирловчи комплекс

муолажаларидан бир йил ўтгач касалликнинг клиник кўринишлари регрессияси сабабли дерматологик DLQI индекси кўрсаткичларининг ишонарли пасайиши ва беморлар ҳаёт сифатини ижобий яхшиланишига олиб келиши аниқланганлиги бўйича «Витилиго билан касалланган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари» ва «Витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс давони қўллаш» услубий тавсияномалари ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 6 июлдаги 23-м/072-сонли ва 8 июлдаги 23-м/073-сонли хулосалари) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №24-сонли, Пешку туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №2936-2-39-ТВ/2023-сонли, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 06.09.2023 йилдаги №837-2-33-ТВ/2023-сонли, Олот туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 07.09.2023 йилдаги №3046-2-31-ТВ/2023-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали бўйича 29.06.2024 йилдаги №37-Т-сонли ва №38-Т-сонли ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят ҳудудий филиали бўйича 29.06.2024 йилдаги №27-1-сонли ва №28-1-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-июлдаги №4-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс давони қўллаш ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, касаллик рецидивларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, Пешку туман тиббиёт бирлашмаси, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси, Олот туман тиббиёт бирлашмаси, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят ҳудудий филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши витилиго билан касалланган беморларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари ва витилиго касаллигида клиник иммунологик мезонларни баҳолаш орқали ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс давони қўллаш орқали умумий иқтисодий самарадорлик 1872000 сўмни ташкил этиши асосланган. *Хулоса*: витилиго билан касалланганларда комбинирланган фототерапия ҳамда иммунокоррегирловчи комплекс муолажалар қўлланганда дерматологик DLQI индекси кўрсаткичларини аниқлаш асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари келтирилган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Витилиго касаллигини даволашга оид замонавий этиопатогенетик қарашлар**» деб номланган биринчи бобида ушбу мавзу бўйича ватандош ва хорижий тадқиқотчиларнинг охириги йиллардаги илмий манбалари шарҳи келтирилган. Унда беморларда витилиго касаллигининг учраш даражаси, этиологияси, патогенези ва клиникасининг ўзига хос хусусиятлари, витилиго касаллигининг ташҳисоти, замонавий даволаш тамойиллари, ушбу патологиянинг иммунологик жиҳатлари ва патогенетик хусусиятларини ўрганиш асослари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асоси бўлган материал ва усуллар тавсифи ўрин олган.

Диссертация ишига асос бўлган, илмий-тадқиқот ишини бажариш жараёнида барча клиник, инструментал ва лаборатор тадқиқотлар қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб режалаштирилган. Барча клиник, клиник-инструментал тадқиқотлар РИД ва КИАТМ Бухоро вилоят ҳудудий филиалида 2020-2023 йилларда амалга оширилган. Иммунологик тадқиқотлар ЎзР ФА Иммунология ва одам геномикаси институтида ўтказилган. 2020 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда витилигонинг турли клиник шакли билан касалланган 118 нафар бемор ҳамда иммунологик текширувлар учун назорат гуруҳи сифатида 20 нафар соғлом кўнгиллилар тадқиқотга жалб қилинган.

Тадқиқотга 18 ёшдан 75 ёшгача (ўртача ёши  $38,5 \pm 1,93$ ) 52 нафар эркак ва 66 нафар аёллар жалб қилинган бўлиб, беморларнинг клиник-иммунологик текширувлари РИД ва КИАТМ Бухоро вилоят ҳудудий филиалида жойлашган Бухоро давлат тиббиёт институти дермато-венерология ва болалар дерматовенерологияси кафедрасида ўтказилган.

Тадқиқот давомида шикоятларни чуқур таҳлил қилиш, ҳаёт ва касаллик анамнезини, патологик ҳолатни аниқлаш клиник стандартлар асосида амалга оширилган. Тадқиқот натижаларини қиёсий таққослаш мақсадида витилиго билан касалланган беморлар икки гуруҳга ажратилган:

I гуруҳдаги (асосий гуруҳ) (n=60) беморларга комбинацияланган фототерапия - 311 нм тор диапазонли УББ терапияси ва тўлқин узунлиги 308 нм бўлган эксимер лазер ва бунга қўшимча равишда тренталнинг (пентоксифилин) суткалик 1200 мг дозаси билан минипулс кортикостероид терапияси (дексаметазон оғиз орқали 5 мг - ҳафтада 2 кун 3 ойдан 6 ойгача) малҳам куралимус (такролимус) 0,1% билан маҳаллий даво қўлланилган.

II гуруҳда (таққослаш гуруҳи) (n=58) беморларга комбинацияланган фототерапия - 311 нм тор диапазонли УББ терапияси ва тўлқин узунлиги 308 нм бўлган эксимер лазер ва 0,1% куралимус (такролимус) малҳами билан маҳаллий даво ўтказилган. Иккала гуруҳдаги беморлар қабул қилган фототерапия курси 20 ҳафтадан ортиқ давом этмаган.

311 нм УББ нурлари билан фототерапия ҳафтасига 3 марта ўтказилган. Беморларда минимал эритематоз доза аниқланмасдан фототерапия бошланган. Дастлабки доза 0,05-0,1 Ж/см<sup>2</sup> ни ташкил этган, сўнгра терининг ултрабинафша нурига реакциясига қараб эритема юзага келмаганида 0,1 Ж/см<sup>2</sup> га кўтарилган. Фототерапия учун узун ва ўрта тўлқин узунлиги диапазонларида ишлайдиган люминесцент лампалар билан жиҳозланган умумий нурланиш кабинасидан (Kernel UV Phototherapy, MSLKN05 UVB/UVA 311 nm, Xitoy) фойдаланилган. Витилиго билан касалланган беморларни тўлқин узунлиги 308 нм бўлган УБ нурланишидан фойдаланган ҳолда даволаш учун "308 nm Excimer system KN 5000C" (Хитой) эксимер лазер қурилмасидан фойдаланилган.

Зарарланган соҳаларда репигментация даражаси 25-50% дан кам бўлмаган ҳолларда клиник яхшиланиш, самарадорлик 51-95% бўлганида сезиларли клиник яхшиланиш ва  $\geq 96\%$  депигмент ўчоқларда қайта пигментация тикланганда тўлиқ клиник тузалиш деб баҳоланган. Даволаш жараёнида репигментация даражаси, касалликнинг стабиллашуви ва кўпайиш йўқлиги асосида даволашнинг узоқ натижаларини баҳоланган.

Иммуноглобулин А, М ва G ларнинг қон зардобида концентрациясини аниқлаш Манчини (1963) бўйича анъанавий радиал иммунодиффузия усули билан амалга оширилди. Реакция ўзига хос иммуноглобулинга қарши плазмасида антитана бўлган агарли гел билан қопланган шиша пластинкада амалга оширилди.

Қон зардобидаги ТНФ- $\alpha$ , IL-2, IL-6, IL-8, IL-10 цитокинларининг миқдори ООО «Протеин контур» (Санкт-Петербург) тест тизимлари ёрдамида фермент билан боғлиқ иммуносорбент усулида аниқланган.

Тадқиқот материаллари параметрик ва нопараметрик таҳлил усуллари билан фойдаланган ҳолда статистик қайта ишланган. Дастлабки маълумотларни тўплаш, коррекция қилиш, тизимлаштириш ва олинган натижаларни визуализация қилиш Microsoft Office Excel 2016 электрон жадвалларида амалга оширилди. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.26

ёрдамида амалга оширилди. Ўртача қийматлар фарқларининг ишончлилиги Стюдент параметрик мезонлари ёрдамида баҳоланган. Гуруҳлар орасидаги фарқларнинг ишончлилиги параметрик бўлмаган Манна–Уитни мезони ёрдамида баҳоланди. Фоиз қийматларини солиштирганда, х-квадрат ( $\chi^2$ ) мослик критериясидан фойдаланилган. Турли гуруҳлардаги боғлиқлик жадвалларини таҳлил қилиш учун Пирсон мезонидан фойдаланилган. Қийматлар ўрта қийматлардаги фарқ  $p < 0,05$  ни ташкил этганида статистик аҳамиятли деб олинган. Тадқиқотлар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига қатъий амал қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот гуруҳи беморларининг клиник ва иммунологик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида касаллик клиник тавсифи, клиник-иммунологик ўзгаришлар хусусиятлари ёритилган.

Витилиго билан касалланган беморларнинг жинси ва ёши бўйича тавсифланиши 1-жадвалда келтирилган. Беморларнинг ўртача ёши  $38,5 \pm 1,93$ ; I гуруҳдаги беморларда  $37,5 \pm 2,04$  ёш ва II гуруҳдаги беморларда  $39,57 \pm 1,93$  ёшни ташкил этган.

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳи беморларининг ёши ва жинсига нисбатан тақсимоти

Беморларнинг ёши	Жинси					
	Аёллар		P	Эркаклар		P
	abs	M±m,%		abs	M±m,%	
18 – 25	15	22,73±5,16	$\chi^2 = 4,152; p = 0,386$	14	26,92±6,15	$\chi^2 = 10,115; p = 0,039$
26 – 40	18	27,27±5,48		17	32,69±6,51	
41 – 50	13	19,7±4,9		10	19,23±5,47	
51 – 60	12	18,18±4,75		6	11,54±4,43	
Ёш > 60	8	12,12±4,02		5	9,62±4,09	
P	Хи-квадрат Пирсона = 1,507; p = 0,825					
Умумий	66	55,93±4,57		52	44,07±4,57	
P	Хи-квадрат = 1,661; p = 0,197					

Касаллик 40 ёшгача бўлган ёш гуруҳларида энг кўп учраган ва умумий беморларнинг 63 (53,4%) нафарини ташкил қилган. Жинс бўйича тақсимотда фаол меҳнат ёшидаги аёлларнинг устунлиги аниқланди. Умумий таҳлил натижаларига кўра ҳам тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг 66 (55,93±4,57%) нафарини аёллар ташкил қилгани ҳолда эркакларга (52 (44,07±4,57%) нафар) нисбатан устунлик қилди (1-жадвал).

Таҳлил натижалари асосида 18-25 ёшдаги беморларнинг ўртача улуши  $24,6 \pm 3,96$  % ни ташкил қилган бўлса, 26-40 ёшлиларда  $29,7 \pm 4,20$  % ни, 41-50 ёшлиларда  $19,5 \pm 3,65$  % ни, 51-60 ёшлиларда  $15,3 \pm 3,31$  % ни ҳамда 60 ва ундан юқори ёшдагилар  $11,0 \pm 2,88$  % ни ташкил қилди.

2-жадвалда касалланган беморларнинг клиник шакллари бўйича иккала гуруҳдаги тақсимоти кўрсатилган.

Витилиго билан касалланган беморларнинг касаллик турлари бўйича тақсимланиши таҳлил қилинганда, витилигонинг сегментар шакли 48 (40,7%) нафар беморда кузатилган. Тадқиқот гуруҳи беморларининг 70 (59,3%)

нафарида витилигонинг носегментар шакли кузатилган бўлиб, шулардан 18 (15,3%) нафарида фокал шакл; – 19 (16,1%) нафарида вулгар шакл; – 33 (27,9%) нафарида эса акрофасиал шакл кузатилган.

## 2-жадвал

### Тадқиқот гуруҳи беморларида витилигонинг клиник турлари бўйича гуруҳлардаги тақсимоти

Клиник шакли	I гуруҳ, n=60			II гуруҳ, n=58		
	abs	M±m, %	P	abs	M±m, %	P
Сегментар шакли	23	19,49±3,65	$\chi^2 = 7,067; p = 0,070$	25	21,19±3,76	$\chi^2 = 14,000; p = 0,003$
Носегментар шакли:						
- фокал	11	9,32±2,68		7	5,93±2,17	
- вульгар	10	8,47±2,56		9	7,63±2,44	
- акрофасиал	16	13,56±3,15		17	14,41±3,23	
P	Хи-квадрат Пирсона = 1,022; p = 0,796					
Жами	60	50,85±4,6		58	49,15±4,6	

Касаллик клиник шаклларида гуруҳлар кесимида тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган.

Гепатобилиар тизим касалликлари (сурункали холецистит, ўт-тош касалликлари, ўт йўллари дискинезияси) 27 (22,9%) нафар беморда, шулардан I гуруҳ да 11 (9,3%) беморда, II гуруҳда 16 (13,6%) нафар беморда аниқланган. Метаболик синдром 21 (17,8%) нафар беморда, шу жумладан I гуруҳда 14 (11,9%) беморда, II гуруҳда 7 (5,9%) ҳолатда кузатилган. Сийдик айириш тизими касалликлари 15 (12,7%) беморда, шулардан I гуруҳда 11 (9,3%) беморда, II гуруҳда 4 (3,4%) беморда аниқланган.

## 3-жадвал

### Тадқиқот гуруҳлари беморларида ёндош касалликлар мавжудлиги

Касалликлар	I гуруҳ, n=60		II гуруҳ, n=58		Хи-квадрат Пирсона	
	abs	M±m, %	abs	M±m, %	$\chi^2$	P
Юрак ва қон томир касалликлари	4	3,39±1,67	11	9,32±2,68	4,020	0,045
Нафас олиш тизими касалликлари	5	4,24±1,85	4	3,39±1,67	0,086	1,000
Ошқозон-ичак тракти касалликлари	11	9,32±2,68	14	11,86±2,98	0,595	0,440
Гепатобилиар тизим касалликлари	11	9,32±2,68	16	13,56±3,15	1,431	0,232
Метаболик синдром	14	11,86±2,98	7	5,93±2,17	2,558	0,110
Сийдик айириш тизими касалликлари	11	9,32±2,68	4	3,39±1,67	3,476	0,062
Аллергик касалликлар	4	3,39±1,67	2	1,69±1,19	0,633	0,680

Аллергик касалликлар 6 (5,1%) беморда, шулардан I гуруҳда 4 (3,4%)

нафар ва II гуруҳда 2 (1,7%) нафар беморда аниқланган.

Тадқиқот гуруҳлари беморлари қон зардобадаги иммуноглобулинлар концентрациясининг ўртача қийматлари таҳлили ўтказилган бўлиб, натижалар соғлом шахслар билан қиёсий таҳлили ўрганилган (4-жадвал).

**4-жадвал.**

**Тадқиқот гуруҳлардаги беморларда иммунитетнинг гуморал боғланиш хусусиятлари (M±m)**


Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=20)	I гуруҳ (n=22)	II гуруҳ (n=21)
Имуноглобулин G (г/л)	13,85±0,49	9,90±0,39*	11,30±0,40** <sup>xxx</sup>
Имуноглобулин A (г/л)	3,60±0,28	1,70±0,15*	1,20±0,10 <sup>xxx</sup>
Имуноглобулин M (г/л)	1,40±0,12	1,39±0,10	1,47±0,08

**Изоҳ:** \* - билан «Соғлом донорлар» гуруҳга нисбатан (\*\* - P<0,05; \* - P<0,01; \* - P<0,001); <sup>x</sup> - билан «I гуруҳ»га нисбатан (<sup>xxx</sup> - P<0,05; <sup>xx</sup> - P<0,01; <sup>x</sup> - P<0,001); ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончлилик фарқи белгиланган.


I гуруҳ беморларида назорат гуруҳи маълумотлари билан солиштириганда A ва G синфидаги иммуноглобулинларнинг статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайиши кузатилган: p<0,05 да 1,7±0,15 г/л ва 9,90±0,39 г/л кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 3,60±0,28 г/л ва 13,85±0,49 г/л ни ташкил этган, аммо бу қийматларнинг ўзгаришлари меъёр чегараларида. II гуруҳ беморларида иммуноглобулин A нинг статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайиши кузатилган (p<0,05 да 1,20±0,10), назорат гуруҳида 3,60±0,28 г/л ва I гуруҳдаги беморларда 1,70±0,15 г/л га нисбатан, шунингдек, назорат гуруҳига нисбатан иммуноглобулин G нинг миқдори камайган (11,30±0,40 г/л га нисбатан 13,85±0,7 г/л p<0,05). IgM нинг ўртача миқдори иккала I гуруҳ (1,39±0,10 г/л) ва II гуруҳдаги (1,47±0,08 г/л) вителиго билан касалланган беморларда назорат гуруҳидагилардан (1,40±0,12 г/л) статистик жиҳатдан фарқ қилмаган.

Тадқиқот давомида цитокин профилининг ҳолатини баҳолаш учун асосий яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг даражаси ўрганилган (1-расм).

Тадқиқотда вителиго билан касалланган беморларда яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг ўзаро нисбатлари ўрганилган. Яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг ўзаро нисбатида яллиғланишга қарши цитокинлар компоненти сезиларли даражада устунликка эга бўлган ва бу вителиго билан касалланган беморларда фаол патологик жараёни кўрсатади (2-расм).



1-расм. Тадқиқот гуруҳларида қон зардобдаги цитокинлар даражасининг кўрсаткичлари.



2-расм. Яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг ўзаро нисбати (пг/мл).

Диссертациянинг «Тадқиқот гуруҳларида модификацияланган иммунокорректив комплекс даво усуллари самарадорлик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида витилиго билан касалланган беморларда ўтказилган комплекс давонинг иммунологик кўрсаткичларга, беморлар дерматологик ҳаёт сифатига таъсири ва клиник самарадорлик натижалари келтирилган.

Витилиго билан касалланган беморларда комплекс модификацияланган иммунокорректив комплекс давонинг цитокин профилига таъсири 5-жадвалда келтирилган бўлиб, даволаш негизида ўрганилаётган кўрсаткичларда ижобий ўзгаришлар тенденцияси аниқланган.

Цитокин ҳолатини ўрганишнинг қиёсий таҳлилинини ўтказиш натижалари шуни кўрсатдики, витилиго билан касалланган беморларда ўтказилган турли хил комплекс даволаш усуллари фонида, IL-2, IL-6, IL-8 ва TNF-α нинг миқдори I гуруҳ беморларнинг қон зардобидаги даражаси бошланғич кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада пасайиш кузатилган, шунингдек II гуруҳ беморларининг IL-2, IL-6, IL-8 ва TNF-α периферик қонидаги таркибида пасайиши тенденцияси статистик жиҳатдан ишончли эмаслиги кузатилди.

Даволаш бошланишидан олдин яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг (IL-8/ IL-10 ва TNF-α/ IL-10) ўзаро нисбат натижасига кўра яллиғланиш компонентлари сезиларли даражада устунлик қилди, бу витилиго билан касалланган беморларда фаол патологик жараён бораётганлигидан дарак беради.

#### 5-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларида модификацияланган иммунокорректив комплекс даво ўтказилишидан олдинги ва кейинги цитокин профили кўрсаткичларининг динамикаси.

Цитокинлар	Назорат гуруҳи (n=20)	I гуруҳ (n=22)		II гуруҳ (n=21)	
		Даводан олдин	Даводан кейин	Даводан олдин	Даводан кейин
IL 2	14,9±0,93	37,2±4,22	20,4±1,5	39,1±3,29	26,1±1,65
IL 6	10,9±0,64	25,1±2,07	12,7±0,49	22,9±1,87	19,5±1,48
IL 8	27,8±2,31	54,2±3,11	29,2±1,25	52,3±3,33	38,1±1,88
IL 10	11,03±0,68	3,6±0,3	10,2±0,27	3,8±0,24	8,9±0,27
TNF-α	8,92±0,49	34,2±2,16	11,3±0,41	33,1±2,04	17,7±0,77

Изоҳ: \* - билан «Назорат гуруҳи» га нисбатан (\*\*\*) - P<0,05; \*\* - P<0,01; \* - P<0,001); x билан «I гуруҳ»га нисбатан (xxx - P<0,05; xx - P<0,01; x - P<0,001); Δ - билан «Даволашдан олдин»ги қийматига нисбатан (ΔΔΔ - P<0,05; ΔΔ - P<0,01; Δ - P<0,001) ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончлилик фарқи белгиланган.


Ўтказилган комплекс даводан сўнг ушбу цитокинларнинг ўзаро нисбатида ҳам ижобий тенденция юзага келди (6-жадвал).

**Комплекс даво ўтказилишидан олдин ва кейин яллиғланишга қарши ва яллиғланишни қўлловчи цитокинларига нисбатан динамика (пг/мл)**

Цитокинлар	Назорат гуруҳи (n=20)	I гуруҳ (n=22)		II гуруҳ (n=21)	
		Даводан олдин	Даводан кейин	Даводан олдин	Даводан кейин
IL-8/IL-10	2,9±0,47	17,22±1,63	2,92±0,16	14,72±1,2	4,38±0,26
TNF-α/IL-10	0,93±0,12	10,91±1,17	1,11±0,04	9,76±1,04	2,03±0,12

Эксимер лазер 308 нм ва УББ 311 нм билан комбинацияланган фототерапия, трентал (пентоксифилин), дексаметазон ва маҳаллий 0,1%ли куралимус (такролимус) малҳамидан фойдаланган ҳолда ўтказилган даво усули I гуруҳдаги беморларда IL-8/ IL-10 ва TNF-α/ IL-10 нинг ўзаро нисбатларининг ўртача концентрацияси мос равишда 2,9±0,4 пг/мл ва 1,1±0,04 пг/мл кўрсаткичларни ташкил этди ва II гуруҳ маҳаллий 0,1% такролимус малҳами билан эксимер лазер 308 нм ва УББ 311 нм комбинацияланган фототерапия амалиёти ўтказилган беморларда яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг қайд этилган ўзаро нисбатлари (4,38±0,26 пг/мл ва 2,03±0,12 пг/мл (p<0,05)) сезиларли даражада статистик жиҳатдан паст бўлган.

Назорат гуруҳидаги соғлом одамларнинг кўрсаткичларидан II гуруҳ кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ сезиларли даражада бўлган (p>0,05) ва I гуруҳдаги эксимер лазер 308 нм ва УББ 311 нм комбинацияланган фототерапия, трентал (пентоксифилин), дексаметазон ва 0,1% куралимус (такролимус) малҳами билан маҳаллий даво ўтказилган беморларнинг кўрсаткичлардан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмаган (p<0,05) (6-жадвал).



**3-расм. Комплекс даво ўтказилишидан олдин ва кейин мос равишда яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар нисбати динамикаси.**

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тадқиқотда ўрганилаётган иммунологик кўрсаткичларнинг динамикаси касаллик кечиш жараёнининг клиник динамикаси билан узвий боғлиқ ва витилиго ривожланишидаги қисқа вақт давомийлигини (5 йилгача) аниқ ифода этган беморларни қамраб олган. Шундай қилиб, ишлаб чиқилган модификацияланган иммунокорректив комплекс даво фонида витилиго билан касалланган беморларда касаллик кечиш жараёнининг кўп ҳолларда барқарорлаштиришга ва цитокин ҳолатини нормаллаштиришга олиб келган.

